

МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ТУРИЗМИНИНГ ХАЛҚАРО АХБОРОТ-РЕКЛАМА ТИЗИМЛАРИ

PhD Самаров Хонқул

Регистон ансамбли

ORCID: 0009-0005-8557-0655

samarovxonqul79@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда миллий маданий мерос туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришда ахборот-реклама тизимларини ишлаб чиқишнинг объектив зарурлиги асосланган. Миллий маданий мерос туризмининг ахборот-реклама тизимларини яратиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: этник, этнос, этнография, қабила, халқ, миллат, қадриятлар, кўпқари, концепция, кулол, уста, ҳунарманд, маросим.

МЕЖДУНАРОДНЫЕ ИНФОРМАЦИОННО-РЕКЛАМНЫЕ СИСТЕМЫ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНОГО ТУРИЗМА

PhD Самаров Хонқул

Ансамбль Регистан

Аннотация. В статье обоснована объективная необходимость разработки информационно-рекламных систем для организации и развития национально-культурного туризма в Узбекистане. Даны рекомендации по созданию информационно-рекламных систем национально-культурного туризма.

Ключевые слова: этнический, этнос, этнография, племя, народ, нация, ценности, улак, концепция, гончар, ремесленник, мастер, ритуал.

INTERNATIONAL INFORMATION AND ADVERTISING SYSTEMS OF NATIONAL-CULTURAL TOURISM

PhD Samarov Khonqul

Registan Ensemble

Abstract. This article substantiates the objective need to develop information and advertising systems for the organization and development of national cultural tourism in Uzbekistan. Recommendations for the creation of information and advertising systems for national cultural tourism are provided.

Keywords: ethnic, ethnos, ethnography, tribe, people, nation, values, ulak, concept, potter, artisan, master, ritual.

Кириш.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 17 ноябрда “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5242-сонли Фармонни (2017) қабул қилди. Фармонда Ўзбекистон халқларининг бой миллий маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий хунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, давлатимизда халқ миллий хунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш, хунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш каби давлат аҳамиятига молик миллий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари белгиланган.

Адабиётлар шарҳи.

Давлатимизда ҳозирги кунда миллий маданий мерос туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган. “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилган Қарорида (2018) “халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни- бош мақсад деб белгиланган”.

Халқаро туризмдаги ҳозирги тенденцияларда миллий маданий мерос туризмнинг истиқболли эканлиги бўйича хориж олимларининг тадқиқотлари (Александрова, 2010; Бабкин, 2008; Биржаков, 2006; Боголюбов, 2005; Долженко, 2006). Шу хулосаларни ҳисобга олиб, бу турни Ўзбекистонда ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий тадқиқотлари амалга оширилмоқда (Самаров, 2020; 2021; 2022).


Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот методологиясида илмий экспедиция тадқиқотлари усуллари, аналитик, умумий илмий, назарий ва ташкилий, кузатув усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

1. *Миллий мерос туризмнинг миллий этник мерос, миллий маданият ва миллий санъати мероси бойликларининг халқаро ахборот-рекламалари тизимини ташкил қилишда* дастлаб этник, этнос ва этнография сўзларининг маъносини келтириш лозим. Этник ва этнос атамалари-халқ, этник жамиятнинг (қабила, халқ, миллат) тарихий келиб чиқишини, турмушини, моддий ва маънавий маданиятини ўрганишни билдиради, этика (одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари) сўзи ҳам кўп ҳолларда этнос-халқнинг, миллатнинг тарихий тараққиёти давомида сақланиб келинаётган миллий одоб-ахлоқи, урф-одатлари, миллий қадриятлари ҳақида гапирилганда ишлатилади (Ожегов, Шведова, 1984).


Бу атамалар халқаро миқёсда қабул қилинган бўлиб, бу сўзлар билан яратилган рекламалар халқаро туризмда тушунарли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, миллий маданий мерос туризмида миллий этник мерос ва миллий маданият мероси бойликларининг халқаро ахборот-рекламалари тизимига халқимизнинг турмуш тарзи, миллий урф-одатлари, маросимлари, миллий одоб-ахлоқи, миллий санъати ва миллий маданияти кўрсаткичлари тўлиқ киритилиши мақсадли бўлади (1-расм).



1-расм. Миллий маданий мерос туризмидаги миллий этник, миллий маданият ва миллий санъат мерослари халқаро ахборот-реклама тизими

2. Миллий маданий мерос туризмнинг миллий ўйин турлари учун халқаро ахборот-реклама тизимини ташкил қилишда ҳам халқимизнинг миллий ўйинларини келтириш мақсадли йўналиш бўлади. Халқимизнинг миллий ўйинларидан энг оммавийлашгани-кўпқари ўйинлари асосан куз-қиш ойларида ўтказилиб шаҳарлардан анча узоқлардаги туманларнинг қишлоқларида ўтказилади ва ҳар куни ҳам эмас. Шунинг учун, кўпқари қилинадиган кунлар, манзиллар, маршрут ва маршрутдаги хизматлар дастури, ахборотлар таъминоти тўлиқ ва пухта ишлаб чиқилган бўлиш талаб қилинади.

Республикамизнинг вилоятларида асосан Сирдарё, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, вилоятларида кўпқари миллий ўйини жуда ривожланган. Қорақалпоғистон, Хоразм вилоятларида, шунингдек, Бухоро вилоятларида миллий ўйинларимиздан миллий кураш ва қўчқор уруштириш жуда оммавийлашган. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида миллий кураш ўйинлари ҳам, кўпқари ўйинлари ҳам ҳозиргача яхши ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам, халқаро туристларни бу миллий ўйинларимизга куз-қиш ойларида мўлжалланган экскурсия маршрутларига таклиф қилишимиз мумкин. Миллий мерос туризмида миллий ўйинларнинг жамланган қуйидаги халқаро ахборот-реклама тизимини тавсия қиламиз (2-расм).



2-расм. Миллий маданий мерос туризмидаги миллий ўйин турларининг халқаро ахборот-реклама тизими

3. Миллий маданий мерос туризмнинг миллий ҳунармандчилик соҳалари учун халқаро ахборот-реклама тизimini ташкил қилиш. Миллий мерос бойликлари ичида халқимизнинг ҳунармандчилиги йўналишлари халқаро туризмни ривожлантиришда энг қизиқарли йўналиш бўлишини олдиндан хулоса қилишимиз мумкин.

Хорижий туристлар кўпроқ тўхталадиган катта меҳмонхоналаримизда халқимизнинг миллий мероси намуналаридан, қизиқарли кўринишларидан рангли тасвирда катта-катта қилиб меҳмонхоналарнинг кириш залларига хорижий тилларда кўрсатиш лозим. Шунингдек, халқимизнинг миллий ҳунармандчилигидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари, масалан, гиламчилик, миллий либослар, кулолчиликнинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари жуда томошабоп бўлиб ҳар қандай хорижий туристни қизиқтириши ишончли бўлади.


Қайд қилинган ишларни амалга ошириш учун биринчи навбатда Самарқанд шаҳарида миллий мерос туристик экскурсия хизматларини ташкил қилувчи туристик фирма фаолият кўрсатиши лозим бўлади. Бу туристик фирма Самарқанд шаҳарида қуйидаги муаммоларни ечиши лозим:

1. Самарқанд шаҳридаги ва Самарқанд вилоятидаги миллий мерос экскурсия ресурсларини, объектларини рўйхатга олиб–“Миллий мерос экскурсия хизматлари каталогини” яратиши.

2. Самарқанд шаҳарида меҳмонхоналарда халқ миллий ҳунармандчилигига туристик экскурсия маршрутларини ташкил қилиш учун ушбу ҳунармандчилик марказлари билан хорижий туристларни олиб келиш ҳақида келишув шартномалари тузилган ва тасдиқланган бўлиши.

3. Самарқанд шаҳаридаги меҳмонхоналардаги хорижий туристларга халқимизнинг ҳунармандчилигини томоша қилдириш учун ҳар томонлама–маҳалла+туман+оила тизимида келишув шартномалари ишлаб чиқилган бўлиши.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун миллий маданий мерос туризми фирмалари экскурсия маршрутларини яратишда ҳунармандчилик марказлари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузишлари ва бири-бирига яқиндан ёрдам беришлари лозим бўлади. Миллий маданий мерос туризми халқимизнинг миллий ҳунармандчилиги ҳақидаги экскурсия маршрутларини реклама қилишда қуйидаги ахборот ресурсларини тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади (3-расм):



3-расм. Миллий маданий мерос туризмидаги миллий ҳунармандчилик соҳаларининг халқаро ахборот-реклама тизими

Меҳмонхоналаримизда, айниқса Тошкент, Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларимизда халқимизнинг энг оммалашган миллий ҳунармандчилик соҳаларининг экскурсия маршрутлари рекламасини ишлаб чиқишимиз мақсадли бўлади. Шунингдек, бу шаҳарларда халқимизнинг миллий ҳунармандчилик марказлари ҳам рўйхатга олиниши зарур бўлади.

4. *Миллий мерос туризмнинг миллий устачилик йўналишлари учун ахборот-реклама тизимини ташкил қилиш.* Миллий маданий мерос туризми халқимизнинг миллий буюмлар ишлаб чиқаришдаги устачилигини, тарихий-экологик асрлар йилномасидан ўтиб ҳозирги кўринишни олган тавсифлар, йўналишлар халқимизнинг минг йиллар давомидаги ижодий меҳнатини асраб-авайлаб, сақлаб келаётганлигини туризм орқали дунё халқларига таништиришдек улуғ режаларни амалга ошириши лозим.

Миллий маданий мерос туризмида устачиликнинг ахборот-рекламаларини алоҳида беришимизнинг асосий сабаби шундан иборатки, халқимизнинг нутқида, ҳунармандларга бўлган муомиласида асосан хотин-қизларнинг ҳунармандчилиги билан боғлиқ ишлаб чиқарувчилар уста дейилмайди. Масалан, гилам тўқувчи-гиламчи, кашта тўқувчи-каштачи, атласчи дейилади ва миллий либосларни (миллий дўппи, миллий тўнлар, миллий қўйлақлар ва ҳ. к.) тўқувчилар ҳам уста дейилмайди. Кўп ҳолларда уларни қўли гул, чевар деб атаيمиз.

Миллий маданий мерос туризмидаги миллий устачилик йўналишлари- ва бу йўналишлардаги миллий ишлаб чиқариш маҳсулотларини халқаро туризмда ахборотлаш-рекламалаш тизимларини яратишимиз лозим (4-расм).



4-расм. Миллий маданий мерос туризмнинг миллий устачилик йўналишлари учун халқаро ахборот-реклама тизими

Халқаро туристлар учун халқимиз билан яқиндан танишиш, халқимизнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий меросига қизиқиш албатта кучли бўлади. Шунинг учун ҳам, уларнинг бўш вақтлари юзага келиши билан қадимдан сайқалланиб келинаётган урф-одатларимиз, тўй-тантаналаримизга уларни таклиф қилиши, уларнинг бевосита иштирок этишини таъминлаш, шароитлар яратиши улар учун жуда қизиқарли ва қувончли бўлиши шубҳасиздир.

Бундай тадбирларни ўтказишда албатта туроператорлардан жуда катта устамонликни талаб қилади. Туроператор бундай вақтларда миллий турмаҳсулотни

ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш учун маҳаллалардаги оқсоқоллар, туманлардаги қишлоқ йиғинлари билан мустақкам алоқада бўлишлари, имкон даражада меҳмонхоналарга яқин бўлган маҳаллалар ёки туманлардаги тўй-томошалар ва оммавий байрамлар ўтказиладиган вақтларни, аҳолидаги тўйлар вақтини билиш ва улардан хорижий туристларни олиб келишга рухсатлар сўраш лозим бўлади.

Айниқса, байрамлардаги “Сумалак”, «Нон», «Қовун», «Ҳосил байрами», “Наврўз” байрами сайлларига ва уни тайёрлаш жараёнларига туристларни иштирок этишларини ташкил қилиш, тўйларимиздаги ош пишириш жараёнларига қатнаштириш, ошни меҳмонларга тарқатиш санъатини, меҳмонларни кузатиш, уларга хизматлар кўрсатишни, тўй неъматларини дастурхонларга қўйиш жараёнларини кўрсатиш уларда унутулмас таасуротларни қолдиради.

Хулоса ва таклифлар.

1. Миллий маданий мерос туризмида миллий этник мерос ва миллий маданият меросибойликларининг халқаро ахборот-рекламалари тизимига халқимизнинг турмуш тарзи, миллий урф-одатлари, маросимлари, миллий санъати ва миллий маданияти кўрсаткичлари тўлиқ киритилиши мақсадли бўлади.

2. Халқимизнинг миллий ўйинларидан энг оммавийлашгани-кўпқари ўйинлари асосан куз-қиш ойларида ўтказилиб, шаҳарлардан анча узоқлардаги туманларнинг қишлоқларида ўтказилади ва ҳар куни ҳам эмас. Шунинг учун, кўпқари қилинадиган кунлар, манзиллар, маршрут ва ахборотлар таъминоти ишлаб чиқилган бўлиш керак.

3. Самарқанд шаҳаридаги меҳмонхоналардаги хорижий туристларга халқимизнинг ҳунармандчилигини томоша қилдириш учун ҳар томонлама-маҳалла+туман+оила тизимида келишув шартномалари ишлаб чиқилган бўлиши керак.

4. Халқаро туристлар халқимиз билан яқиндан танишиш, халқимизнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий меросига қизиқиши, уларнинг бўш вақтлари юзага келиши билан урф-одатларимиз, тўй-тантаналаримизга уларни таклиф қилиш, уларнинг бевосита иштирок этишини таъминлаш, шароитлари яратиши керак.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Александрова А.Ю. (2010) *Международный туризм*, Москва КноРУС, - 492 с.

Бабкин А.В. (2008) *Специальные виды туризма*. Ростов на-Дону. Феникс, - 252 с.

Биржаков М.Б. (2006) *Введение в туризм*. С. Пб.: Издательский Торговый Дом «Герда».

Боголюбов В.С. (2005) *Экономика туризма*. Учебное пособие. – М.: Академия, – 192 с

Долженко Г.П. (2006) *Экскурсионное дело*, Учебное пособие, Изд., центр МарТ-М.: - Ростов- на-Дону, - 304 с.

Қарор (2018) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси да миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 ноябрда қабул қилган Қарори*.

Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. (1984) *Толковый словарь русского языка*. Москва, 1999. С-913.; *Русско-узбекский словарь*, Том II.. Тошкент, -770 б.

Самаров Х.Қ. (2020) *Ўзбекистонда янги-миллий мерос туризмининг ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари*. СЕРВИС, ж., № 4, Самарқанд, -12-16 б.

Самаров Х.Қ. (2021) *“Маданий мерос объектларининг туризм соҳасида фойдаланишнинг инновацион йўналишлари”*. СЕРВИС ж., № 2, Самарқанд, -129-13 б.

Самаров Х.Қ. (2022) *Миллий маданий мерос туризми, Монография, “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”*, Тошкент, - 187 б.

Фармон (2017) *Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 17 ноябрда “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5242-сонли Фармони*.